



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 4-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
PhD, И.Ш.Эрназарова

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

И.Б.Маттиев – СамИСИ профессори, DSc

Layli Baxtiyorovna Navruz-zoda Kichik biznes raqobatbardoshligini baholovchi sun'iy intellekt kompozit indeksi	159
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Iltom Begmatdulobovich Mattiyev Stressni boshqarish va sog'lom hayot tarzi odatlari	163
Nargiza Muzafarovna Babaeva Biznesni muvaffaqiyatli bo'lishida ta'lim va tajribaning ta'sir darajasi tahlili	167
Камилла Бахромовна Суюнова, Шахзода Абборовна Фаилова Маркетинг инноваций как фактор динамического роста отраслей экономики Узбекистана	172
Xilola Nematovna Ochilova Lavozimlar greydingining mohiyati hamda davlat va nodavlat tashkilotlarida lavozimlar greydingi tizimini qo'llanilishi	176
Nigina Ma'rufovna Usmanova, Abdulxofiz Jamshid o'g'li Hamrayev Sun'iy intellektning inson resurslarini boshqarishni takomillashtirishga ta'siri	182
Azizjon Isroiljonovich Ibroximov Korxonada xodimlarini boshqarishda KPI tizimidan samarali foydalanish yo'llari	188
ИНВЕСТИЦИЯ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ	
Насиба Акбаржонова Усманова, Жахонгир Санжарович Каримов Проблемы при планировании проекта. иерархическое распределение работ как ключ к решению	191
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Rahmonkul Hamidovich Djalilov Respublikamizda bilvosita soliqlar auditining nazariy masalalari	195
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова, Хушвақт Мансурович Ёдгоров Фармацевтика корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги ташкилий-ҳуқуқий масалалари	198
Анвар Нематович Холиқулов, Азамат Ҳамроқулович Рахимов Автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили	203
Olimjon G'ayrat o'g'li Fattoyev Aholi daromadlari tarkibi va dinamikasi tahlili asosida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni takomillashtirish	207
Насиба Акбаржонова Усманова, Асель Армановна Сулейманова Анализ востребованных компетенций на рынке труда и их влияние на HR-стратегии компаний.	211
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Akram Abduraxmonovich Azizqulov G'azzoliy ta'lim jarayonida shogirdning odobi xususida . (Abu Homid G'azzoliyning ta'lim-tarbiyaga oid qarashlarida shogird odobi xususida)	215
Sarvar Ayubovna Isxakova, Shaxzoda Shuxratovna Amriyeva Oliy ta'lim tizimining samaradorligini oshirish yo'nalishlari	220
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев Метод ва методологиянинг мазмуни ва фарқлари Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари	225

<p>Б.Боронов, Д.Худайназарова, Х.Ёдгоров Организационно-правовые вопросы фармацевтических предприятий как субъектов бухгалтерского учёта</p> <p>Аннотация. В статье представлено общее описание деятельности фармацевтических предприятий, их роли и значения в развитии национальной экономики, объёма производства фармацевтической продукции и её учёта, а также организационно-правовых аспектов фармацевтических предприятий как субъектов бухгалтерского учёта. Кроме того, раскрыты особенности ведения бухгалтерского учёта на этих предприятиях.</p> <p>Ключевые слова: фармацевтическая деятельность, фармацевтические предприятия, лекарственные средства, учёт доходов, учёт расходов, Международные стандарты финансовой отчётности (МСФО).</p>	<p>B.Boronov, D.Khudaynazarova, X.Yodgorov Organizational and Legal Issues of Pharmaceutical Enterprises as Accounting Entities</p> <p>Abstract. The article provides a general description of the activities of pharmaceutical enterprises, their role and significance in the development of the national economy, the volume of pharmaceutical production and its accounting, as well as the organizational and legal aspects of pharmaceutical enterprises as accounting entities. In addition, the specific features of accounting in these enterprises are highlighted.</p> <p>Keywords: pharmaceutical activity, pharmaceutical enterprises, medicinal products, income accounting, expense accounting, International Financial Reporting Standards (IFRS).</p>
---	---

Анвар Нематович Холикулов – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, профессор,
Азамат Ҳамроқулович Рахимов – Самарқанд иқтисодий ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси

АВТОМОБИЛЬ СЕРВИСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН СУБЪЕКТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ОМИЛЛИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада сервис тўғрисида тушунча, хизматлар сифати ҳамда автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг омилли таҳлили ва уларни аниқлаш йўллари ёритиб берилган.

Калит сузлар: иқтисодий кўрсаткичлар, хизмат, хизматлар сифати, кўрсаткичлар, сервис, автомобиль сервис, автомобиль сервис самарадорлиги.

Кириш. Юсак даражада тараққий этган ҳозирги замон транспортисиз ривожланган жамият асосини яратиб бўлмайди. Чунки транспорт ҳар қандай мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим таркибий қисмидир. Бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда ҳам транспорт алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, таъбир жоиз бўлса, ҳам психологик аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида аҳолига сервис хизмати кўрсатишни яхшилашнинг устувор йўналишларидан бири йўловчи ташиш жараёнида транспорт хизматини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Барча сервислар таркибида аҳолига транспорт хизматини кўрсатишнинг аҳамияти шундаки, у орқали одамларнинг юки ташилади, ўзларини маълум манзилга етказиб қўяди ва бошқа бир қанча хизмат турларини бажариб беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида жамлаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Автомобиль сервис билан шуғулланадиган субъектларнинг самарадорлиги таҳлили хорижлик олимлардан¹, Боден М., Милес И., Еиченгреен Б., Гупта П., Есченбач Ф., Хоекман Б., Триплетт Й. Е., Босвортх Б. П.,

¹ Boden M., Miles I. (ed.). Services and the Knowledge-based Economy. – Psychology Press, 2000.; Eichengreen B., Gupta P. The two waves of service-sector growth //Oxford Economic Papers. – 2013. – №. 1. – pp. 96-123.; Eschenbach F., Hoekman B. Services policy reform and economic growth in transition economies, 1990-2004. – The World Bank, 2005.; Triplett J.E., Bosworth B.P. Productivity in the US services sector: new sources of economic growth. – Brookings Institution Press, 2004.; Михалёв И. В., Полянин А. В. Методологические подходы государственного регулирования в сфере услуг. - 2014.; Korczynski M. Human resource management in the service sector. – Basingstoke: Palgrave, 2002.; Романович В.К. Сервисная деятельность. учеб. пос.: под общ. ред. В.К.Романович. / С.Н. Коробкова, В.И. Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова -3-е

Корцзынски М., Михалёв И. В., Полянин А. В., В.К. Романович, С.Н.Коробкова, И. В.Михалёв, А. В. Полянин, В.К. Романович, Л. М. Кликич, Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко, Л. А. Сосунова, Д. В. Чернова, А.Я.Басс, Е. А. Разомасова, В.А. Плотников, М.Г. Иваненко, Д.Р. Хайруллина ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан¹ Б.А.Адукаримов, М.Қ.Пардаев, М.М. Мухаммедов, Қ.Ж. Мирзаев, О.М. Пардаев, И.С.Тухлиев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Таҳлил ва натижалар. Сервис – хизмат кўрсатишга қаратилган фаолиятдир. Унинг алоҳида хусусияти шундаки, хизмат кўрсатиш жараёнида баъзи материал ресурслар сарф қилинсада, сервис материал кўринишида эмас, балки эҳтиёжини фаолият орқали қондиришидадир. Хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмасдир, у сақланмайди ва доимий бўлмаган сифат хусусиятига эга.

Хизматнинг ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмаслиги уни шу жараёнда истеъмол қилинишидадир. Хизматни амалга оширилгандан сўнг уни сақлаб қолиш, йиғишнинг ёки сотишнинг иложи йўқ, шунинг учун хизматни кўрсатиш жараёнида керакли материал, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳажмини режалаштиришда хизматга бўлган талабни аниқ башорат қилиш вазифаси туради.

Хизмат сифатининг доимий эмаслиги шундаки, истеъмолчи хизмат кўрсатилгунга қадар уни сифатини баҳолай олмайди. Буни хизматни амалга оширилгандан сўнггина имкони бор. Шунинг учун, миқдорга хизмат кўрсатилгунга қадар хизмат ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи хизмат турлари ва сифати тўғрисидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Одатда, хизмат кўрсатишда кўл меҳнатининг улуши катта бўлганлиги учун сервис сифати хизмат кўрсатувчининг малакасига боғлиқ.

Техник фойдаланиш автотранспорт воситаларини ишга яроқли ҳолда сақлашда ресурсларни оқилона харажат қилишни ифодалайди. Автомобил сервиси истеъмолчиларнинг автотранспорт воситаларини сотиб ёки ижарага олиш, техник соҳада сақлаш, керакли эксплуатацион хусусиятларга эга транспорт воситаларига қулай ишлаш шароитларини яратиш бўйича бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Техник сервис автотранспорт воситалари эгаларини талабини қондириш, йўловчи ва юк ташишнинг маромда ва хавфсизлигини таъминлашга, лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришда назарда тутилган меъёрларни қондирилишини таъминлайди.

Автомобил транспортдан фойдаланишнинг тузилиш таркибида, ишлаб чиқариш мажмуалари орасида техник сервис алоҳида ўринга эга. Унинг ҳолати ва самарадор фаолияти сифатли транспорт хизматларни ривожланишининг муҳим шартидир. Автотранспорт воситаларининг техник сервиси истеъмолчилар талабларни қондирадиган, автомобилларни ишга яроқли ҳолда сақлаб турадиган, ҳаракатланувчи таркибнинг ҳолатини экологик ва ҳаракат хавфсизлиги шартларига мувофиқ бўлишини таъминлайдиган юқори сифатли хизматларни бажаради. Техник хизмат кўрсатишнинг шаҳар ва йўл ёқасидаги шаҳобчалари, автомобил заводининг ўзига тегишли ва дилер тармоқлари, автомобил ювиш жойлари, давлат техник кўригини ўтказиш учун ташхис бўлинмалари, алоҳида автомобил қисмлари ва агрегатларни таъмирлашга ихтисослаштирилган устахоналар, автомобиллар тўнинига ихтисослаштирилган корхоналар, ўз ўзига хизмат кўрсатиш ўринлари, автотранспорт воситаларини, эҳтиёт қисмларни ва автомобил безакларини сотиш бўйича автосалонлар ва автодўконлар, мотеллар ва кемпинглар, автомобилларни ижарага бериш шаҳобчалари, гаражлар ва

изд.-СПб.: Питер, 2005. -156 с.; Кликич Л.М. Эволюция сферы услуг: неравновесный подход //М.:Изд-во МСХА. - 2004. - С.18.; Бурменко Т.Д., Даниленко Н.Н., Туренко Т.А. Сфера услуг: Экономика: учебное пособие// М.: кнорус. – 2007. -Т. 328 с.; Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Технико-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.; Хайруллина Д.Р. Повышение эффективности управления развитием малых предприятий сферы услуг: дис. канд. экон. наук. 2014. – 230 с.;

¹ Абукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 384 б.; Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2021. 186 б.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.; Тухлиев И.С., Турсунова Г.Р. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг асосий йўналишлари. // «Сервис» илмий – амалий журнали, 2012 йил, 4-сон. – 43-48 б.

автомобилларнинг сақлаш жойлари, ахборотлар берувчи ва маслаҳат бериш хизматларини кўрсатиш корхоналари мавжуд. Келтирилган автосервис корхоналари рўйхати автосервис хизматларининг қанчалик хилма-хил турларини истеъмолчилар томонидан талаб қилинишини ва фойдалиш манбаи эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу соҳада асосан нодавлат, яъни хусусий тадбиркорлик сектори ривож топмоқда. Аҳолига транспорт хизматини кўрсатишнинг асосий қисми хусусий мулкчиликка асосланган автомобиллар сервисидан иборат бўлмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида транспорт хизмат кўрсатиш ҳам эркин рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсатмоғи ва ривож топмоғи лозим. Бу ҳолатни тўғри баҳолаш учун таҳлил жараёнида унинг самарадор-лигига ва уларни ифодаловчи кўрсаткичларига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Таҳлил жараёнида шу учта кўрсаткичларнинг ҳар бирини алоҳида ва комплекс тарзда ўрганишни тақозо қилади. Биз услубий асос сифатида бир автомобиль/км.га тўғри келадиган ўртача тушум кўрсаткичининг ўзгариши ва унга таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўлларини кўриб чиқамиз.

Тадқиқотлар кўрсатдики, бир автомобиль/км.нинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бир ойлик пул тушуми (Бт)
2. Маршрутнинг масофаси (Мм)
3. Маршрутга қўйилган автомобильлар сони (Ас).
4. Бир соат давомида ўртача қатновининг сони (а^с).
5. Маршрутдаги автомобильнинг (даромаднинг) бир ойлик ўртача иш куни (Ўик).
6. Автомобильнинг шу маршрутда бир кунлик умумий иш вақти соат (Ив).

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$A_{mm} = \frac{Bt}{Mm \cdot As \cdot Kc \cdot Uik \cdot Iv}$$

Ушбу формуладан фойдаланиб натижага таъсир этувчи юқорида келтирилган 6 та омилнинг таъсирини занжирли алмаштириш йўли билан аниқлашни тавсия қиламиз. Бу ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади.

1. Натижа кўрсаткичининг, яъни автомобиль сервиси самарадорлиги ўзгаришига барча пул тушумининг ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Delta A_{mm.Bt} = \frac{Bt^x}{Mm^p \cdot As^p \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p} - \frac{Bt^p}{Mm^p \cdot As^p \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p};$$

2. Натижа ўзгаришига маршрут масофасининг узунлигининг таъсирини (ΔАтт.мм) топиш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta A_{mm.m} = \frac{Bt^x}{Mm^x \cdot As^p \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p} - \frac{Bt^x}{Mm^p \cdot As^p \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p};$$

3. Автомобиль сервиси самарадорлиги ўзгаришига учинчи омил, яъни маршрутга қўйилган автомобильлар сонининг ўзгаришини (ΔАтт.ас) аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta A_{mm.as} = \frac{Bt^x}{Mm^x \cdot As^x \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p} - \frac{Bt^x}{Mm^x \cdot As^p \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p};$$

4. Натижанинг ўзгаришига тўртинчи омил, яъни маршрутдаги автомобильларнинг бир соат давомида ўртача қатновининг сони таъсирини (ΔАтт.к^с) аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta A_{mm.kc} = \frac{Bt^x}{Mm^x \cdot As^x \cdot Kc^x \cdot Uik^p \cdot Iv^p} - \frac{Bt^x}{Mm^x \cdot As^x \cdot Kc^p \cdot Uik^p \cdot Iv^p};$$

5. Автомобиль сервиси самарадорлиги, яъни бир автомобиль/км. ҳажмининг ўзгаришига маршрутдаги автомобильларнинг бир ойлик ўртача иш кунининг таъсирини (ΔАтт.ўик) аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Att.уик = \frac{Bm^x}{Mm^x \cdot Ac^x \cdot Kc^x \cdot Уик^x \cdot Ив^p} - \frac{Bm^x}{Mm^x \cdot Ac^x \cdot Kc^x \cdot Уик^p \cdot Ив^p};$$

6. Натижанинг ўзгаришига олтинчи омил, яъни маршрутдаги автомобильнинг бир кунлик умумий иш вақтининг таъсирини ($\Delta Att.ив$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\Delta Att.уик = \frac{Bm^x}{Mm^x \cdot Ac^x \cdot Kc^x \cdot Уик^x \cdot Ив} - \frac{Bm^x}{Mm^x \cdot Ac^x \cdot Kc^x \cdot Уик^x \cdot Ив^p}$$

Одатдагидек барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим:

$$\Delta Att = \Delta Att.бт \pm \Delta Att.ас \pm \Delta Att.ас \pm \Delta Att.кс \pm \Delta Att.уик \pm \Delta Att.ив$$

Ушбу назарий тавсияларга амалий маълумотларни қўллаб натижа ўзгаришига тегишли омиллар таъсирини аниқлаш ва мавжуд ички имкониятларни ахтариб топиш ҳамда шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу таҳлил натижасида менежерлар автомобиль сервиси самарадорлигини ошириш учун тегишли таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиши имкониятига эга бўлади. Ушбу соҳа таҳлили бевосита бошқарув таҳлиliga дахлдор бўлганлиги учун таҳлил қилиш учун зарур бўлган тегишли маълумотларни бошқарув ҳисоби йўли билан молиявий менежерларнинг (бухгалтерларнинг) ўзлари шакллантириб, ўзлари ҳисоб-китоб қиладилар. Омилли таҳлил натижасида, натижага ҳар бир омилнинг индивидуал таъсирини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Бунинг натижасида қайси омил натижага салбий таъсир қилаётганини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Бунинг натижасида самарадорликка салбий таъсир қилаётган омилларни аниқлаб, уларнинг таъсирини ижобий томонга ўзгартириш бўйича асосланган таклиф тавсиялар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистон - 2030стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.
2. M.Q.Pardayev, A.N.Xoliqulov, T.I.Yahyojev. Iqtisodiy tahlil. Darslik., SamISI, “Fan bulog‘i” nashriyoti, Samarqand.: 2024, 25,0 б.т.
3. A.N.Xoliqulov. Iqtisodiy tahlil va audit. O‘quv qo‘llanma, Samarqand: Fan bulo‘g‘i nashriyoti, 2023 yil – 208 bet 13,06 b.t.
4. A.N.Xoliqulov. Туристик корхоналар фаолияти таҳлили. Ўқув-қўлланма, Самарқанд.: Фан булоғи нашриёти, 2024 йил - 312 бет, 19,5 б.т.
5. Xoliqulov A.N. Xizmat ko‘rsatish korxonalari samaradorligini tahlil qilishning metodologiyasini takomillashtirish yo‘nalishlari. Monografiya. Samarqand iqtisodiyot va servis instituti – Samarqand.: “STEP-SEL” MCHJ. Nashriyoti, 2023 - 274 bet. 17,12 b.t.
6. Xoliqulov A.N. Истеъмол бозорида монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштириш механизмлари. Monografiya. Samarqand iqtisodiyot va servis instituti – Samarqand.: “STEP-SEL” MCHJ. Nashriyoti, 2025 - 190 bet. 12 b.t.

<p style="text-align: center;">А.Холикулов, А.Рахимов</p> <p style="text-align: center;">Факторный анализ показателей, характеризующих эффективность деятельности организаций автосервиса</p> <p>Аннотация. В статье описывается понятие услуги, качество услуг, а также факторный анализ показателей, отражающих эффективность предприятий, занимающихся автосервисом, и способы их определения.</p> <p>Ключевые слова: экономические показатели, услуга, качество услуг, показатели, сервис, автосервис, эффективность автосервиса.</p>	<p style="text-align: center;">A.Kholikulov, A.Rakhimov</p> <p style="text-align: center;">Factor analysis of indicators expressing the efficiency of entities engaged in car service</p> <p>Abstract. The article describes the concept of service, the quality of services, and the factor analysis of indicators that reflect the efficiency of entities engaged in car service, and ways to determine them.</p> <p>Keywords: economic indicators, service, quality of services, indicators, car service, car service efficiency.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.12.2025 йилда теришга берилди. 16.12.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0143А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.